

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Мирзо Улугбек номидаги
Ўзбекистон Миллий университети
ректори Ш.С.Сирожиддинов

« ____ » _____ 2016 йил

Ўзбекистон Миллий университети расмий веб-сайти орқали «Магистратурага кириш учун ҳужжатларни электрон шаклда топшириш» регламенти

1. Хизмат таърифи

1.1 Хизмат номланиши

Қисқа номи: «Магистратурага кириш учун ҳужжатларни электрон шаклда топшириш»

Кенгайтирилган номи: Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги расмий вебсайти ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали «Магистратурага кириш учун ҳужжатларни электрон шаклда топшириш»

1.2 Хизмат натижаси

Магистратурага кириш учун электрон шаклда топширилган ҳужжатлар олий таълим муассасаси томонидан қабул қилинади.

1.3 Хизмат кўрсатувчи органлар

Олий таълим муассасалари

1.4 Ҳуқуқий асослар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 118-сонли “Олий таълим муассасаларига қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарорига 2-илова сифатида келтирилган “Олий таълим муассасаларининг магистратурасига қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом

1.5 Хизматни фойдаланувчилар

Бакалавр даражасига ёки дипломли мутахассис малакасига эга бўлган шахслар турдош таълим йўналишлари рўйхатидаги ихтисосликларнинг бирида магистратурада ўқиш учун ҳужжатларни электрон шаклда топшириш хизматидан фойдаланишлари мумкин

1.6 Ариза бериш муддатлари

Ҳужжатлар ҳар йили 1 июлдан 30 июлгача қабул қилинади.

1.7 Бажарилиш муддати

Магистратурага кириш учун топширилиши лозим бўлган ҳужжатлар келиб тушган пайтдан бошлаб 1 иш куни ичида кўриб чиқилиб, жавоб берилади.

Ҳужжатлар дам олиш кунлари ёки байрам кунлари келиб тушган тақдирда, уларни кўриб чиқиш кейинги иш кунидан бошланади.

2. Хизматдан фойдаланувчиларга маълумот тақдим этиш

2.1 Маълумот таркиби ва ҳажми

Мазкур хизматдан фойдаланиш учун мурожаат қилшган ҳар қандай фуқарога куйидаги ахборот тақдим этилади:

- хизмат кўрсатувчи органнинг жойлашган жойи, иш тартиби, мурожаатларни кўриб чиқиш шартлари ва тартиби ҳақидаги маълумот;
- танланган олий таълим муассасасидаги турдош таълим йўналишлари;
- хизматдан фойдаланиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар рўйхати;
- ариза бланкасини тўлдириш тартиби ҳақида маълумот;
- хизматдан фойдаланиш муддатлари

2.2. Батафсил маълумот олиш

«Магистратурага кириш учун ҳужжатларни электрон шаклда топшириш» хизмати тўғрисида батафсил маълумот:

- Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг расмий веб-сайти - www.edu.uz;
- Ўзбекистон Миллий университети қабул комиссияси, nuu.uz сайти
- Ягона интерактив давлат хизматлари портали - my.gov.uz орқали тақдим этилади.

Код поля изменен

Код поля изменен

2.3. Сўровнома бўйича маълумот олиш

Расмий веб-сайт ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали: душанба – жума кунлари соат 09:00дан 18:00гача;

Шахсан мурожаат этиш вақти: душанба – шанба кунлари соат 09:00дан 17:00гача;(қабул комиссиясига)

Электрон почта орқали: душанба-жума кунлари соат 09:00 дан 18:00 гача

Отформатировано: Цвет шрифта: Авто

Отформатировано: Цвет шрифта: Авто

Отформатировано: Цвет шрифта: Авто

Отформатировано: Цвет шрифта: Авто

Отформатировано: Цвет шрифта: Авто

2.4. Хизмат кўрсатиш манзили ҳақида маълумот олиш

Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 4-уй

- Мўлжал: Тошкент Давлат техника университети

- Транспортлар: 28, 31, 34, 87, 90-автобуслар метронинг Беруний бекати

2.5. Фойдаланиладиган бланкалар

Магистратурага кириш учун абитуриент томонидан ЯИДХП (my.gov.uz)да ҳамда Ўзбекистон Миллий университети расмий веб-сайти (www.nuu.uz)да олдиндан рўйхатдан ўтгандан сўнг электрон шаклдаги ариза тўлдирилади.

Код поля изменен

3. Иш вақтлари ва мурожаат жавобларини кутиш вақтлари

3.1 Иш вақтлари

Хизмат кўрсатувчининг иш вақти: душанба – шанба (09:00дан -17:00 гача)

3.2 Мурожаат жавобларини кутиш вақтлари

Магистратурага кириш талаб этиладиган ҳужжатлар электрон шаклда олий таълим муассасасига келиб тушган кундан бошлаб 1 иш куни ичида кўриб чиқилади.

Ҳужжатлар дам олиш кунлари ёки байрам кунлари келиб тушган тақдирда, уларни кўриб чиқиш кейинги иш кунидан бошланади.

4. Хизмат кўрсатиш тартиби

4.1. Зарур бўлган ҳужжатлар

Магистратура мутахассислиги ҳамда олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат – дипломнинг серияси ва рақами кўрсатилган ҳолда, олий таълим муассасаси ректори номига юбориладиган махсус шаклдаги аризага киритилади. (pdf электрон)

Қуйидаги ҳужжатлар тўлдирилган махсус ариза шаклига электрон (сканерланган) шаклда илова қилинади:

- чоп этилган илмий мақола ёки тезислари (ёки уларга тенглаштирилган ҳужжатлари) (мавжуд бўлган ҳолда);
- 3.5 x 4.5 ҳажмдаги рангли фотосурат;
- № 086 шаклдаги тиббий маълумотнома; (Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими билан интеграция таъминланганда, маълумотнома рақами киритилади)
- паспорт; (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги (центр персонализация) билан интеграция таъминланганда, паспорт серияси ва рақами киритилади)

4.2. Хизмат тўлови:

Хизмат бепул амалга оширилади

4.3. Университет расмий вебсайти ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали хизмат кўрсатиш босқичлари

Университетнинг расмий веб-сайти орқали хизмат кўрсатиш босқичлари:

1. Веб сайт манзил
2. Рўйхатдан ўтган электрон манзил ва парол орқали тизимга кирилади
2. Ариза шакли тўлдирилади (олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат – дипломнинг серияси ва рақами кўрсатилган ҳолда) ва ҳужжатларнинг электрон нусхаси илова қилинади;
3. Олий таълим муассасаси ва мутахассислик танланади;
4. Ариза юборилади;
5. [Ариза Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 118-сонли қарорини 2-илоvasи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларининг магистратурасига қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низом асосида кўриб чиқилади ҳамда ариза қабул қилинганлиги ёки қабул қилинмаслик сабаблари асослаб берилади;](#)

6. Куриб чиқилган ҳужжатлар талабга жавоб бериши ҳақидаги хабар юборилади, ҳужжатлар ОТМ қабул комиссиясига 30 августгача асл нусхаси топширилиши шарт;

7. Соғлиқни сақлаш ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирликлари (центр персонализация) тизими билан интеграция таъминланганда ҳужжатлар асл нусхаси 5 кунлик муддат ичида олий таълим муассасасига тақдим этилиши шарт.

Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали хизмат кўрсатиш босқичлари:

1. Фуқаро томонидан ЯИДХПда тегишли тартибда рўйхатдан ўтилади.
2. «Барча ташкилотлар» - «Вазирликлар» - «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги» - «Магистратурага кириш учун ҳужжатларни электрон шаклда топшириш» давлат хизмати танланади;
3. Мутахассислик танланади;
4. Махсус шаклдаги ариза тўлдирилади (олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат – дипломнинг серияси ва рақами кўрсатилган ҳолда) ва зарур ҳужжатларнинг электрон нусхаси илова қилинади
5. Хизматдан фойдаланувчи ариза шакли тўғри тўлдирилганлигини текширади ва юборади;

6. Куриб чиқилган ҳужжатлар талабга жавоб бериши ҳақидаги хабар юборилади, ҳужжатлар ОТМ қабул комиссиясига 30 августгача асл нусхаси топширилиши шарт;

7. Соғлиқни сақлаш ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирликлари (центр персонализация) тизими билан интеграция таъминланганда ҳужжатлар асл нусхаси 5 кунлик муддат ичида олий таълим муассасасига тақдим этилиши шарт.

Отформатировано: Поз.табуляции: нет в 0,5 см + 0,75 см

Отформатировано: Поз.табуляции: нет в 0,5 см + 0,75 см

4.4. Давлат хизматини кўрсатишнинг ички идоравий жараёни

1. Электрон ариза қабул қилингандан сўнг масъул ходим 1 иш куни давомида аризани Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 118-сонли Қарорига 2-илова сифатида келтирилган “Олий таълим муассасаларининг магистратурасига қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомда белгиланган талаблар асосида кўриб чиқади;

2. Махсус ариза шаклида кўрсатилаг олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат – дипломнинг серияси ва рақами Ўзбекистон Республика Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг маълумотлар базасидан солиштирилиб текширилади.

2. Агар ҳужжатлар Низомда белгиланган талабларга жавоб берса, мурожаат этган шахснинг ҳужжатлари олий таълим муассасаси томонидан қабул қилинади;

3. Ҳужжатлар қабул қилинганлиги тўғрисидаги хабар мурожаат этувчи шахсга юборилади.

4. Масъул ходимлар томонидан аризага рад жавоби берилса, рад этиш учун асослар мурожаат қилувчига юборилади.

5. Куриб чиқилган ҳужжатлар талабга жавоб бериши ҳақидаги хабар юборилади, ҳужжатлар университет қабул комиссиясига 30 августгача асл нусхаси топширилиши кераклиги тўғрисида хабар юборилади;

7. Соғлиқни сақлаш ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирликлари (центр персонализация) тизими билан интеграция таъминланганда, имтихонлар муваффақиятли топширилган абитуриентга 5 кунлик муддат ичида магистратурага кириш учун талаб этиладиган хужжатларнинг асл нусхаси олий таълим муассасасига хабар юборилади

4.5. Рад этиш сабаблари

Бакалавр даражасига ёки дипломли мутахассис малакасига эга бўлган шахслар турдош таълим йўналишлари рўйхатидаги ихтисосликларга мос келмаслиги ёхуд талаб этилган хужжатларнинг тўлиқ тақдим этилмаганлиги.

«КЕЛИШИЛДИ»

**Ахборот технологиялар маркази
бошлиғи**

_____ **М.Ў.Худойберганов**

« ____ » _____ **2016 йил**

«КИРИТИЛДИ»

Магистратура бўлими бошлиғи

_____ **А.Н.Тўрабаев**

« ____ » _____ **2016 йил**

